



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati



Хайрулло БОЗОРОВ: БУ ЙИЛГИ МАҚСАД – ФАҚАТ ЧЕМПИОНЛИК!

5 карра мамлакат чемпиони, 9 карра кумуш медаль совриндори "Нефтчи" футбол жамоаси бу йилги чемпионатни муваффақиятли бошлади. Дастлабки икки турнир сафарда ўтказган Виталий Левченко шогирдлари Жиззахнинг "Сўғдиёна" ва Самарқанднинг "Динамо" клубларини мағлуб этиб, 6 очко билан турнир пешқадамларидан бирига айланди.

Навбатдаги турнир "Нефтчи" ўз майдонида Бекободнинг "Металлурж" жамоасига қарши ўтказди. Фарғонада чемпионат байроғи кўтарилишидан олдин Ислом Каримов номидаги театр ва концерт саройида таништирув маросими ўтказилди. Унда футбол мухлислари, "фан" клуби аъзолари, футбол академияси ва спорт мактаблари тарбияланувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров клуб аъзолари ва фарғоналик футбол ишқибозларини сафардаги ғалабалар билан табриклади.

Вилоятда барча спорт турлари қатори футболга эътибор йил сайин ортиб бораётгани ҳақида гапириб ўтар экан, вилоят ҳокими мамлакатнинг энг машҳур жамоаларидан бири бўлган "Нефтчи" таркиби кейинги уч йил ичида сифат жиҳатидан тўлиқ шакллантирилгани, ўзини савияси эса ошиб бораётганини айтиб ўтди.

– Жамоа ўтган чемпионатда ҳам совринли ўринлар учун курашди. Лекин бироз омад етишмади. Шундай бўлса-да, "Нефтчи" аввалги шухратини тиклади, эндиги мақсад – фақат чемпионлик, – деди Хайрулло Бозоров.

Вилоят раҳбари жорий йилда футболчилар ва мухлисларга янада кенг шароитлар ярати

берилиши, клуб футбол академияси мукамал таъмирланиши, ҳар бир шаҳар-туманларда футбол мактаблари ташкил этилиши, "Истиклол" стадиони ҳудудида клуб рамзи ва атрибути туширилган спорт кийимлари сотуви йўлга қўйилишини тилга олди.

Шунингдек, вилоят ҳокими Фарғонада ишқибозлик маданиятини яратиб кераклиги ҳақида гапириб ўтар экан, энг намунали мухлис деган шарафли номга биринчи бўлиб фарғоналиклар эришишига ишонч билдирди.

Таништирув маросимида "Нефтчи" жамоаси бош мураббийи Виталий Левченко клубни қўллаб-қувватлаб тургани ва футбол академиясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани учун вилоят ҳокимига жамоа аъзолари ташаккурини изҳор қилди.

Сўнгра "Нефтчи" жамоасининг янги футболчилари – Санжар Қувватов, Ботирали Эргашев, Жалолиддин Жумабоев, Манучеҳ Сафаров, Хуршид Мухторов, Боян Цигер, Санжар Қодирқулов, Жаҳоҳир Қаҳрамонов, Жасур Жалолиддинов, Бехруз Облоқулов, Михай Роман, Кетерин Карп, Эффионг Нсангуси, Хусайн Норчаев, Шохруз Норхонов таништириб ўтилди ва уларга клубнинг рақамли либослари топширилди.

Рустам ОРИПОВ.



Қува – Ўзбекистоннинг кўчат етказиб берувчи бош манзилларидан бири.



– Қува туманида 2023 йил давомида 101 миллион дона кўчат етиштирилди. Ундан 56 миллион донаси мевали, 24 миллион донаси манзарали кўчатлар, 21 миллион донаси эса атиргул кўчатларидир, – дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари уюшмаси мутахассиси Умиджон Раҳимов.

Айни кунда тумanning барча маҳаллалари, катта-кичик кўча бўйлари, сарой ва ангарлари улкан кўчат сотиш марказларига айланган. Уларни Қуванинг асосан тошлик, яъни тезоб майдонларида етиштирилади. "Fuitis brend" масъулияти чекланган жамияти асосчиси ва бош боғбони Ғайратжон Мамадалиев 41 гектар майдонда боғ ва кўчатчилик билан шуғулланади. Сўнги икки йилда шафтолининг Уфо намини маҳаллилаштирди.

– Буни икки хили бор. Буниси Уфонинг эртаки нави. У 25 майда пишди. 2-3 килограмм мева беради. Бундан ташқари, олхўрининг икки хил нави бор. Блекциндер нави эртаки бўлиб, сувли ва ниҳоятда мазали, – дейди Ғайратжон Мамадалиев. – Бу навларни туркиялик ҳамкорларимиз ва Ўзбекистонда боғдорчиликда катта тажрибага эга Шухрат Абборов, Мансур Йўлдошев ёрдамида олиб келяпмиз.

Ғайратжон 11 гектар майдонда фақат данадан

ундирилган кўчатлар етиштирмақда. – Шафтоли данакларини кузда қумга аралаштириб қўмамыз. Баҳор фаслида улар униб чиқади. Данани ёриб униб чиққан ниҳолни кўчат учун экамиз, – дейди боғбон Ҳосилбек Қўчқоров. – Ундирилган данадан чиққан кўчатнинг яна бир хусусияти шундаки, унинг ҳосилдорлиги баҳорда экилган данадан чиққан кўчатникига нисбатан икки баробар кўп бўлади.

Шу кунларда харидорлар ўзлари келиб, боғдан кўчатни танлаб олиб кетишапти. Истакка қараб, кўчатлар томир отган тупроғи билан етказилади. Шунда кўчат кўчириб экилганини ҳис қилмайди.

Давоми 2-бетда



ТАЙИНЛОВЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси бўлиб фаолият кўрсатиб келган **Раҳимов Шерзод Абдухалилович** Фарғона вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Шерзод Раҳимов 1984 йилда Қува туманида туғилган. Фарғона давлат университетини ҳамда Тошкент давлат Аграр университетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 2004 йилда тарих ўқитувчиси сифатида бошлаган. 2007-2010 йилларда ФарДУ аспиранти, 2010-2011 йилларда ушбу университет қошидаги академик лицейда маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлган. 2011-2015 йилларда "Камолот" ЁИХ Фарғона вилояти Кенгаши раиси бўлиб ишлаган. 2014 ва 2019 йиллардаги сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари котибияти мудир бўлиб ишлаб келган **Сайдуллаев Махсудали Ибрагимжонович** вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.



Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилоят филиали директори сифатида фаолият кўрсатиб келган **Примқулов Бобур Қаҳрамонович** Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.



«Садои Фарғона» – «Фарғона ҳақиқати» газетасининг 110 йиллигига

Чўлпоннинг

«САДОИ ФАРҒОНА» даги журналистик суриштирувлари



Ўзбек матбуотида таҳлилий журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланишида жадид матбуотининг ўрни, хиссаси беқиёс. XX аср бошларида чоп этилган газеталарда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Ҳожи Муин, Абдурауф Фитрат, Ашуралӣ Зоҳирӣ, Абдулла Қодирӣ, Абдулҳамид Чўлпон сингари миллий журналистикамиз йўлбошчилари ўлканинг долзарб масалаларига оид танқидий-таҳлилий мақолалари билан фаол иштирок этганлар.



Назира ТОШПҮЛАТОВА, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, "Инсон ҳуқуқлари ва медиа" кафедраси мудир, профессор

Маэкур мақолада биз «Садои Фарғона» газетасида чоп этилган танқидий-таҳлилий мақолаларни журналист суриштируви (текшируви) талаблари асосида таҳлил этишни мақсад қилдик.

Йирик матбуотшунос олим, марҳум Бойбўта Дўстқороев 1914 йилда «Садои Фарғона» газетасида чоп этилган мақолаларда журналист суриштируви

белгилари учрашини қайд этади. Олим шундай ёзади: «Дарҳақиқат, Фарғона воқидийсининг асосий хўжалик соҳаси деҳқончилик, хусусан, пахтачилик, ипакчилик бўлгани учун ушбу мавзуларда газетада («Садои Фарғона» – Н.Т.) кенгроқ ёритилди. Шуниси борки, маэкур мавзуларда миллий матбуотимизда илк марта журналист текширувига мурожаат

этилди». «Садои Фарғона» газетасининг 1914 йил 4 май сониде эълон қилинган муаллиф Муҳаммад Одилининг «Пилла кам тутилмоғининг сабаби» сарлавҳали мақоласида суриштирув унсурлари учрайд. Унда пилла кам тутилишининг асосий сабаблари таҳлил қилинади.

Давоми 2-бетда



САРХИЛ, СЕРҲОСИЛ

КУВАНИНГ КЎЧАТЛАРИ



– Ҳар хил мевали ва манзарали кўчатлар етиштирдим ва уларни ҳовлимиз олдига олиб чиқиб сотяпман, – дейди Рустамжон Шерматов. – Республикаимиз вилоятлари, Тожикистон, Қирғизистон ва ҳатто Туркменистондан ҳам харидорлар келиб, олиб кетишяпти. Ҳовлимдаги кўчирилган кўчатлар ўрнига гул уруғларини эқдим. Улар 10-15 кунда униб чиқади, кузда уланади. Келаси йилга эса атиргуллар сотувга тайёр бўлади.

Шу каби ҳолни “Қорақум” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам учратасиз.

– Худудда 1118 та хонадон бўлиб, уларда атиргулчилик ва мевали-манзарали кўчатлар етиштирилади. Ҳар бир оила 10 сотих томорқадан бир йилда 50-60 миллион сўм даромад олмақда, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Одилжон Ҳақимов.

Қува туманининг ўзида бу йил юз миллион дондан ортиқ кўчат етиштирилиб, савдога чиқарилди. Уларнинг бир қисми чет элдаги харидорларга юборилмоқда. Бу ҳақида Умиджон Раҳимов ғурур билан шундай деди:

– Россия, Қирғизистон, Тожикистон давлатларига, ҳатто Доғистонга ҳам экспорт қиляпмиз. Атиргуллар эса Польша ва Туркияга жўнатиляпти. Мана бу юк машиналарида Қирғизистонга 300 миллионга кўчат юборяпмиз.

– Қирғизистондан келдик, – дейди Бахтиёр Гафуров. – Президент Мирзиёев йўллари очгандан кейин ҳар йили Қувадан Бишкекка кўчат олиб кетаман. Қуваликлар билан ака-ука бўлиб қолганман. Зухриддиндан кўчат олсам, арчани Ҳусниддиндан олам.

Қуванинг эртапишар қантаки ўрик, анжир, шафтолиси, ширали олхўри-ю, қирмизи олма кўчатлари хонадонларимизга ризқ ва кўрк киритмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Ундирилган данаклар экилган боғни кўриб, ҳавасингиз келади. Ҳаммаси бир текис, деярли ҳаммасида мева нишониси бор.

– Биз ҳар бир ярим метр оралиғида биттадан кўчатни боғ учун қолдирамиз. Улар орасида 7-8 тадан кўчат бор. Уларнинг ҳар бирини 15 мингдан сотамиз. Шунда бир гектар кўчатдор 200 миллион сўмдан ортиқ даромад беради. Данақдан экиш натижасида икки йилда ҳам боғ пайдо бўлади, ҳам фермер даромадли бўлади, – дейди Ғайратжон Мамадалиев.

Қувада қайси хондонга кирманг, уй эгалари асосий ишларидан кейин томорқасида кўчатчилик билан банд. Терактаги маҳалласидаги Рустамжон Шерматовнинг 12 сотих томорқаси бор. Унга ўзи қарайди. Кўчатдан бўшаган майдонларга ўзи механизмда ишлов беради.

Чўлпоннинг “САДОИ ФАРҒОНА” даги журналистик суриштирувлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Муаллиф ёзади: “илгари қишдан чиқилган ҳамон пилла тутилар эди. Етти-саккиз йилдан бери тартиб ўзгарди. Баҳор келиб “...ердан қор кўтарилишидан бошлаб “пул” деб, ҳар кун жаллоб ва комиссияни ҳовлисида борамиз. Бирмунча пул учун қозихат қилишуб, қанча вақт хатларга овера бўлуб, ул хатни тайёрлаб, комиссия ўзининг фирмасига олиб борув, нотариус билан ўтказув бермоққа овера бўлуб, комиссияга кафил бўлмоққа ва векселларга қўл қўймоқларига овера бўлуб оладурғон юз сўм-икки юз сўм пулимизни олиб, бундоқ ҳавога қарасак, экин экадиган вақт ўтуб кетадурғон фурсат бўлуб қолуб, шошулуб экин экомқога овера бўламиз”.

Газетанинг 11, 14 ва 16 май сонларида чоп этилган Ашурали Зоҳирийнинг “Пилла кам тутилмоғининг сабаблари” сарлавҳали мақоласи юқорида қайд этилган мақоланинг мантиқий давоми бўлиб, муаллиф фикрларини уч қисмда баён этади, ҳар бир қисмда деҳқонларнинг пилла етиштириши билан боғлиқ муаммолари ва уларнинг сабабларини фош этади. Бу билан чекланмай, муаллиф қишлоқ аҳолиси кўпроқ ипақ кўрти боқиси учун алдов ва талашларни йўқотиш бўйича таклифлар беради. Бу фош этиш – журналист суриштируви ўша даврдаги пиллакорларнинг қанчалар машаққат билан кун кўришлари ҳақида аниқ тасаввур беради.

“Садои Фарғона” газетасида босилган Абдулҳамид Чўлпоннинг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик”, “Ватанимиз Туркистонда темир йўллар” (1914 йил) сарлавҳали мақолалари ҳамда “Мадрасаларимиз аҳволи” (1915 йил) хабарида ҳам суриштирув белгилари учрайди.

Унинг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик” сарлавҳали мақоласида Туркистон ерлари пахтадан мўл ҳосил олиш



шарҳан ўзи борган жойнинг тартиби, тутуми, одамларнинг аҳоли, кайфиятини кузатиб, уларни қиёслаш, солиштириши орқали муаммонинг ечимига доир аниқ таклифлар беради.

“Мадрасаларимиз аҳволи” сарлавҳали хабарида ҳам суриштирув унсурларини кўриш мумкин. Унда мадрасада ўқийдиган бир бола бу ердаги ёмон болаларнинг бемаза ишлари (бачабозлик) билан шуғулланишидан норози бўлгани учун муллавақчалар уни уриб, ҳайдаб солади. Бола инспекторга шикоят қилади. Текширишга келган инспектор китоблар орасида тунука идишда уламасоч чиканнини тасдиқлайди. Мулла инспекцияга олиб кетилади. “Ана муллаларнинг аҳволи” деб тугатади хабарини муаллиф.

Мазкур хабар босилгандан кейин Чўлпоннинг бошига не-не балолар ёғилади. Газета тахририяти Чўлпонни ҳимоя қилиб, “Садои Фарғона”нинг 14-сонида андижонлик ўқувчиларга мурожаат ҳам ёзади. Шунга қарамадан Чўлпон ўзи кўрган, ҳаётда учратган воқеалар ва улардаги муаммони фош этишга ҳаракат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, журналист суриштируви жанри ўзбек матбуотида миллий босма нашрлар пайдо бўлган даврлардан ривожлана бошлади. Унинг дастлабки намуналари айнан қайси нашрда учраши бўйича яқини хулосага келишга ҳали бироз эрта. Шунга қарамай, “Садои Фарғона” газетаси ва унда чоп этилган, мутахассислар томонидан илк журналист суриштируви намуналари деб эътироф этилган мақолалар жамиятдаги долзарб муаммоларни олиб чиқишга, ҳақсизлик ва адолатсизликни фош этишга хизмат қилган.

Бунёдкорлик одимлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا асосан, Ёзёвон туманида “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш учун “Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан 65,4 гектар ер ажратилди. Айни пайтда қурилиш ишлари қизгин давом этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массиви – Ёзёвоннинг янги қиёфаси

Бу ерда 3586 хонадонли 138 та 5,7 қаватли уйлар, умумтаълим мактаби, давлат мактаб-гача таълим ташкилоти, кичик саноат зонаси, шунингдек, ёшлар маркази, оилавий поликлиника, маҳалла маркази, маданият уйи, савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталари бирин-кетин бунёд этилмоқда.

2022 йилда “Янги Ўзбекистон” массивида 2 та 80 хонадонли турар жой ўз эгаларини топан бўлса, ўтган йилда 4 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда 248 хонадондан иборат 10 та кўп қаватли уйлар комплекси қуриб битказилиши кўзда тутилмоқда.

– Туманимизда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари бир жойда мужассамлашган янги массив бунёд этилаётганлиги мавжуд ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга замин яратмоқда, – дейди “Янги Ўзбекистон” массиви бўйича қурилиш штаби аъзоси Жавлон Файзуллаев. – Қайд этиш жоизки, туманимизда уйсиз фуқаролар йўқ. Аммо 2-3 оиланинг бир хонадонда яшаш ҳолатлари мавжуд. Янги турар жойлар қурилиши ортидан ёш оилалар мустақил бўлмоқда. Улар ипотека кредити асосида, расмий даромадга эга бўлиши талаб қилинмаган ҳолда 15 фоиз олдиндан тўлов эвазига ўз хонадонларига эга бўлишяпти.

Қувонарлиси шундаки, туманда бошланган эгзу ташаббус ортидан хонадон сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган аҳоли вакиллари ҳам ўз уйида бахтиёр яшаш бахтига муяссар бўлишмоқда. Туман ҳокими Дилшоджон Жалилов ҳамда илғор фермер хўжаликлари бир ёқадан бош чиқариб, кам таъминланган фуқароларга “ижтимоий уй” сифатида янги хонадонлар ҳада қилдилар.

Бу заминга ободлик ярашади

Худудда электр, газ, сув таъминоти ва канализация тармоқларини тортиш ишлари давом этмоқда. Массив қоқ марказида “Янги Ўзбекистон” боғини ташкил этиш учун жой ажратилиб, у ерга аллақачон юзлаб кўчатлар экилди.

“Юқори Сойбўйи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Лутфулло Исоқовнинг таъкидлашича, ҳозирда ҳудудда 4 минг нафар аҳоли яшайди. “Янги Ўзбекистон” массивида “Posco international textile” масъулияти чекланган жамиятнинг фаолият бошлаши 450 нафардан зиёд аҳолининг бандлигини таъминлади. Лойиха қиймати 65 миллион АҚШ доллари бўлган мазкур корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 16,5 миллион еврони ташкил этади. Корхона йилига 25 минг тонна пахта, 11 минг тонна чигитни қайта ишлаш ҳамда 11 минг тонна сунъий тола ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиха тўлиқ ишга тушгач, қўшимча 1000 та иш ўрни яратилади.

Бахтли болалик масканлари

Беш қаватли, сифатли таълим олиш учун барча шароитлар яратилган, ҳатто лифт ўрнатилган замонавий мактабда билим олиш ёзёвонлик ёшларнинг азалий орузи эди. Уларнинг яхши ниятлари амалга ошириб, “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида 900 ўринли таълим маскани бунёд этилди.

– Оддий қишлоқ боласининг бу каби таълим даргоҳида ўқиши бир пайтлари ушамас оруз бўлиб кўрингани рост. Бугун туманимиз ёшлари кенг ва ёруғ синфхоналарда, қишқи ва ёзги спорт мажмуалари, 165 ўринли фаоллар зали, 100 ўринли ошхонага эга умумтаълим мактабиде бахтли болалик оиларини ўтказишмоқда, – дейди мактаб директори Музажон Охунов.

Массивдаги муҳим ижтимоий объектлардан бири шу кунларда фойдаланишга топширилиши арафасида турган 420 ўринли 28-давлат мактабгача таълим ташкилотидир. Бу муассаса қурилиши учун 16 миллиард 169 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, 14 та ёзги майдонча, бир вақтнинг ўзида 300 нафарга яқин болаларни сиғдира оладиган ошхона, мусиқа ва спорт заллари мавжуд.

Ёзёвонда замонавий инфратузилмалар асосидаги янги турар жойлар ва ижтимоий объектларнинг бунёд этилаётгани туман аҳолисининг эртани кунга бўлган ишончини оширмоқда.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Интилганга толе ёр

– “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” да турган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиб, иш билан таъминлашга қўмаклашиб келяпмиз. Уларнинг кўпчилиги бу имкониятдан унумли фойдаланиб, яхши даромад эгаси бўлишяпти. Ишчи ўринлари яратишяпти, – дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Зиёдахон Халилова.

ТАДБИРКОР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Дарҳақиқат, Тошлоқ туманидаги “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган йили 195 нафар фуқаро имтиёзли кредитдан фойдаланиб, иссиқхона, паррандачилик, чорвачилик ва турли соҳаларда хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйдилар.

Қаҳрамон Набиев Россия Федерациясига ишлаш учун борганида, жароҳат олиб қайтди. Маҳалла унинг тақдирига бефарқ бўлмади. “Ёшлар дафтари”га киритилиб, имтиёзли кредит олишга тавсия қилинди. Қаҳрамон 10 бош зотли қўйларни олиб, парваришлай бошлади. Бугунга келиб қўйлар бош сони 18 тага етди.

– Имкониятни чеклабди қолганида, уйда бекор ўтиришни истамдим. Яна шундай кредит олиб, қўйлар сонини 100 тага етказиш мақсадим бор, – дейди у.

Садоқат Норматова Фарғона давлат университетида тахсил олади, шу билан бирга куш боқишга қизиқади. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчисига имтиёзли кредит олиб, тўтиқуш парваришлай кўпайтириш истагини билдирди. Унга 26 миллион сўм кредит маблағи берилди. Садоқатнинг меҳр билан парваришлайётган тўтиқушлари сони ортиб бормоқда.

Бу каби интилувчан, изланувчан ёшларни қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бериб, маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги йигит-қизлар сафи кўпайиб бормоқда.

Рустамжон МАМАЖОНОВ.



МАРҒИЛОНЛИК
КУМУШОЙИМЛАР

Бу дийрда суҳбатчиёгон суҳбат бўлади,
Тутумлари, удумлари зийнат бўлади,
Дуолари ижобату ибрат бўлади,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Муқаррама бўлар бири қаддини ростлаб,
Юлдузхонга айланади қўшиқни бошлаб,
Сўз ўйини пайривога бир-бирин ташлаб,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Енг шимариб шеър ўқини бошласа бири,
Бош эгади бу шаҳарнинг ҳар қандай пири,
Сен ҳам, қани, навбатни ол, бир сайҳа уриб,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Сал гаш ўтса, узрлари дўстона азиз,
Момолардан қолган калом, салом азиз,
Эл ичинда, халқ ичинда бўлиб ёруғ юз,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Олималар сўзи тоблаб, пешлаб келади,
Солиқалар бир-бирини ҳешлаб келади,
Бир-биридан сабоқ олиб, хушлаб келади,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Яшагилар оқибатнинг этагин ушлаб,
Кам бўлмастар кекса-ёшини сизлаб, олқишлаб,
Атлас тўқиб, атлас кийиб, дўстларини хушлаб,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

Бу лаҳзалар Маликага бахт туюлади,
Ушбу юртда ишжовату аҳд тугилади,
Илоҳиёт осмондан ризқ куйилади,
Шундай яшар марғилонлик Кумушойимлар.

БАҲОР

Баҳор – толемга битилган зафар,
Баҳор – бахтимгача яна бир қадам.
Бир даста зул билан ёнимга келиб,
Остонада турган энг яхши одам.

Баҳор – деразани чертаётган кўл,
Ойнадан қарашим қутиб турган кўз.
Баҳор – тақдиримда энг нурафшон йўл
Ва менга аталган муқаддас бир сўз.

ЯЛПИЗЛАРНИНГ
ЎТЛОҒИГА
ИШГА КИРГУМ

Менинг ҳаққим майсаларнинг киприклари,
Кўзларимда пинар қантак ўриклари,
Сизга элар манзилнинг кўприклари,
Тонларимни тугиб бергум ҳаёлларга.

Булутларнинг титроғида тушига киргум,
Ялпизларнинг ўтлоғига ишга киргум,
Бориб-бориб бир девона шикқа киргум,
Бораримда тун чўкмаси малолларга?

Юпанч бўлиб йўлларидан безан ўзим,
Тулпорларнинг товонини зган ўзим,
Ташлаб юриб томирини кесан ўзим,
Қоним дучор қайтими йўқ саволларга.

Юринг дардини даво билан музлатгани,
Юринг ҳақни худо билан юзлатгани,
Жоним эсар жонингизни уйғотгани,
Юрагимни илиб қўйинг шамолларга.

Ялпизларнинг ўтлоғига ишга киргум!

Дилибода ЭРҒАШЕВА.

ОНАЛАР ОЁҒИН
ОСТИДА ЖАННАТ

Хар тонг уйғонади қуёйдан олдин,
Нур сочар меҳр-ла замин юзига.
Уйим деб, ишим деб ёнани учун,
Оро беролмайди баъзан ўзига.
Уларни қадрланг, эъвозланг ҳар вақт,
Оналар оёгин остида жаннат!

Тўққиз ой бағрида асраб-авайлаб,
Не-не буюк зотлар ўстира олган.
Камолга етказиб қанча фарзандини,
Ватан муҳаббатини кўнглига солган.
Уларни қадрланг, эъвозланг ҳар вақт,
Оналар оёгин остида жаннат!

Вафо, садоқатда дунёда тенгсиз,
Сабру қаноати буқилмас ҳеч ҳам.
Туну кун оромдан кечиб бўлса ҳам,
Фақат оилам дер, фақат дер болам.
Уларни қадрланг, эъвозланг ҳар вақт,
Оналар оёгин остида жаннат!

Кўзларида қувонч, ҳаётга ишонч,
Барқ урар кўксига мардлик, ишжоват.
Момолардан мерос улуг халқ учун,
Кўрсата олмақда қанча жасорат.
Уларни қадрланг, эъвозланг ҳар вақт,
Оналар оёгин остида жаннат!

Хар недан устундир номуסי ори,
Қадди тетик дом, тоғлардек мағрур.
Шу ўзбек аёли бўлгани учун,
Кўксига ифтихор, осмонча зурур.
Уларни қадрланг, эъвозланг ҳар вақт,
Оналар оёгин остида жаннат!

Гулноза ЭРҒАШЕВА.

КЎКЛАМ
НАФАСИ

Бобом янги тишин кўрсатиб толга,
Толпоққуқ сидирар, кув бир кайфият.
Ажсин тўр ташлаган нуруний чолга,
Бошини эғибди кекса бир дарахт.

Момом кўймаланиб тандир бошида,
Дайди ел бошлади ўз зинасини.
Ўсмаси қурибди, қаранг қошида,
Кўксомса пилдираб олов ҳуркитиб.

Бу дала четиди қўлбола шийпон,
Дайди ел бошлади ўз зинасини.
Момом кўймаланиб, шопирав айрон,
Ўйку элитибди чолгинасини.

Маҳиёра
БОЙБОБОВА.



ҲОКИМЛИКЛАР, КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ

маъмурияти томонидан 2023-2024 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг таълим йўналишлари бўйича иш жойларига тақсимоти ўтказилмоқда. Мавжуд йўналишлар бўйича бакалаврият ва магистратура битирувчиларига бўлган эҳтиёж юзасидан таълим муассасалари ҳамда соҳа корхоналари раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан ТАТУ Фарғона филиали Буюртмаларни шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлимига мурожаат этишлари мумкин.

БУЮРТМАЛАР 2024 ЙИЛ 15 АПРЕЛГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали 2023-2024 ўқув йили битирувчилари ҳақида маълумот

Table with columns for faculties and regions, and rows for various professions like Computer Engineering, Telecommunications Engineering, etc.

Манзил: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 185-уй, Маркетинг ва талабалар амалиёти бўлими. Телефонлар: 0 (373) 226-82-33, 226-82-74. Эл.почта: marketingtatuff@umail.uz

Publication details including ISSN 2010-6370, contact info for RUSTAM Oripov, and a barcode.